**АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ ФАРҒОНА ФИЛИАЛИ**

“Компьютер инжиниринги”факультети

“Ахборот технолгоиялари” кафедраси

“ Мультимедиа тизимлари” фанидан

# РЕФЕРАТ

Бажарди: Эрматова А

**2014 - ФАРҒОНА**

# Мавзу: Мултимедианинг интерактив хусусиятлари.

## Режа:

1. **Мультимедиали воситаларнинг интерфаоллиги**
2. **Мультимедиали воситаларнинг дизайнини шакллантиришга бўлган тизимли ёндашув**

# Мультимедиали воситаларнинг интерфаоллиги

Мультимедиа воситаларининг интерфаоллиги укув жараёнига таъсир этиш имкониятларининг кенглиги ва фойдаланиладиган укув материалларининг таркибини узида жамлайди. Фойдаланувчи томонидан фойдаланиладиган укув материаллари мундарижаси куйидагилардан иборат:

- экран объектларини манипуляция килиш;
- чизикли навигация – экран ичида скроллинг;
- иерархик навигация – менюнинг иерархик ташкил килинган тизимиёрдамида булимости таркибини танлаш;
- навигация панелидаги махсус тугмачалар ёрдамида чакириладиган интерфаол справканинг функцияси. Контекстга боғлик справка янада самарали булади;
- фойдаланувчининг талаб ва харакатларига жавоб бериш имкониятига эга восита билан фойдаланувчининг биргаликда харакат килиши;
- мультимедиа воситаси экран объектларини яратиш ва конфигурация килиш имкониятини яратиб бера олса, унда конструктив биргаликда харакат килиш;
- рефлектив биргаликдаги харакат килиш, бунда мультимедиа воситаси фойдаланувчининг кейинги тахлил учун киладиган харакатини хисобга олади (масалан, шу информация асосида укувчига материални урганишнинг оптимал кетма – кетлигини тавсия килиш) укитишнинг «эксперт» ёки «танишув» вариантлари уртасида танлаш имконияти;
- - симулятив интерфаоллик, качон – ки, экран объектлари бир – бирига боғлик ва шундай харакат килишади – ки, бу объектларни мослаштириш уларнинг «хулк – атвори»ни белгилаб беради (техник курилмаларнинг симуллаштирувчи реал функция-лаштирилганлиши, социал жараён-лар ва х.к.з.)




## Мультимедиали воситаларнинг дизайнини шакллантиришга бўлган тизимли ёндашув.

Таълим мультимедиа ресурсларининг дизайни ва интерфейсини ишлаб чиқиш, бундай воситаларнинг мазмунан тўлиқлигини шакллантириш каби муќим аќамиятга эга.

¡қитувчи ва психологларнинг олиб борган кузатувлари шуни кўрсатади – ки, компьютерда ўқитиш воситаларининг ишлаш самарадорлиги кўп ќолларда дастурий интерфейснинг хусусиятига қараб аниқланади. Мультимедиа ресурсларнинг дизайни ўқувчиларнинг мотивациясига, материални қабул қилиш тезлигига, толиқиб қолиш ва қатор бошқа муќим кўрсаткичларга бевосита таъсир кўрсатади. Шунинг учун ўқитиш муќитининг дизайни интуитив даражада ишлаб чиқарилмаслиги лозим. Илмий асосланган, яхши ўйланган тизимли ёндашув талаб этилади.

Таълим мультимедиали воситалари интерфейсини шакллантириш бўйича тавсияларни бир нечта асосий гуруќларга бўлиш мумкин:

Мультимедиа ресурсларнинг дизайнини шакллантиришга бўлган тизимли ёндашувдан фойдаланиш бўйича тавсиялар;

Асосий ўқув элементларининг структураси ва мазмуни бўйича тавиялар;

Ўқувчиларда ранг ва шаклларни қабул қилишнинг физиологик хусусиятларини ҳисобга олиш бўйича тавсиялар;

Безатиш элементларидан фойдаланиш бўйича тавсиялар.

Тизимли ёндашув тизимли дизайннинг асоси – мультимедиали ресурсни ишлаб чиқиш ва яратиш жараёнига қайсидир даражада таъсир кўрсатадиган барча факторларни, ўқитиш жараёнида келгусида фаолият кўрсатадиган шартларни яратилаётган мультимедиали ресурсга киритиладиган ижодий лойиҳалаштиришнинг алоҳида кўриниши бўлиб ҳисобланади. Занжирдаги ҳар бир келгуси қадамнинг мантиқий шартлари аниқ объектга адекват дизайннинг доимий муаммоси – утилитар (самарадорлик, иқтисодий тежамкорлик, қулайлик) ва гўзаллик (эстетик ёрқинлик, тасвирли, ижобий эмоция ва ассоцияларни юзага келтириш қобилияти) нисбатини ҳал қилиш кафолатининг эҳтимоли юқори бўлиши имконини беради.

Интерфейсни шакллантиришга тизимли ёндашув, анъанавий китобхонлик билимларидан ташқари, информация назарияси, ҳужжатшунослик, информатика, матн лингвистикаси ва ҳ.қ.з. каби илмий йўналишлардаги ютуқларни жалб қилиш имкониятини беради. Бу категорияларнинг бутун бошли тўплами – функциональ, структурали, тарихий, коммуникатив, компетентли, қимматбаҳо, социологик, статистик ва ҳ.к.з. лардан фойдаланиш имконини беради.

Тизимлилик принципи белгилар ва белгилар тизимлари ҳақидаги фан – семиотиканинг замонавий фан ютуқларидан фойдаланган ҳолда информацияни структуралаштиришнинг турли кўринишларини, сифатини йўқотмасдан туриб, ўтказишни таъминлайди. Мультимедиали ресурс – белгилар тизими бўлиб ҳисобланади. Семиотик ёндашувга асосан, ҳар бир белгилар тизими синтаксис, семантик ва прагматик тизимостиларига ажратилганлиги ҳисобга олинган ҳолда тадқиқ қилиниши керак.

Экспериментал тадқиқотлардан шу нарса маълумки:

Уч бўғиндан ошадиган сўзларнинг асосий таркиби ошиши билан тушунишнинг қийинлик даражаси ќам ортади;

Қисқа муддатли хотиранинг ќажми 7 ± 2 бирлик (боғланмаган сонлар, боғланмаган бўғинлар ёки сўзлар) ка тенг;

Маъносига тушуниб ёдлаш механик ёдлашга қараганда, 20 марта самаралироқ;

Асосий информацияни контекст қилиб, ўраб олиш, уни тушуниш ва қабул қилишнинг тезлиги ва аниқлигига тўғридан – тўғри таъсир қилади;

Муќит стимул (рағбат)лари конфигурацияси стимулларнинг муќитда жойлашган ранги ва шакли ќақидаги информацияда визуаль қисқа муддатли хотирадаги репрезентацияси учун муќим аќамиятга эга.

Мультимедиали ресурсни ишлаб чиқишда синтаксис, семантик ва прагматик тизимостиларини мультимедиали воситанинг ягона тизимида, шунингдек, унинг ќам бутун, ќам имконият даражасидаги типологик моделининг оптималь ечимини топиш зарур.

Дизайн – лойиќада таълим мультимедиали воситасини ишлаб чиқувчи келгусида бир мақсадга йўналтирилган бирлик, объектнинг мазмуни ва шаклий сифатларини киритади. Лойиќа қанча мантиқий жиќатдан камчиликка эга, функциональ жиќатдан асосланмаган бўлса, тизимнинг самарадорлиги шунча паст бўлади. Тизимли дизайннинг биринчи босқичи муќим аќаиятга эга. Бу босқичда зарур информацияни йиғиш ва таќлил қилиш содир бўлади, бу эса келгусидаги фаолият учун мазмун марказини белгилайди.

Дизайн – концепция лойиќа мақсадлари ва унга эришишнинг усулларини асослаб беради. У бўлажак бинонинг фундаменти бўлиб ќисобланади, унинг функциональ ва эстетик имкониятларинибелгилаб беради. Мультимедиали ресурснинг дизайн – концепциясида ўқувчилар доимо ундовчи момент бўлиб ќисобланишади.

Дизайн – дастур лойиќалаштиришнинг бошланғич босқичи сифатида қатнашади. У дизайн – концепция операцияларини амалга оширишнинг

асосий груҡларидан иборат ва лойиҡанинг ўзини ёки мазкур фаолият кўринишининг моделини намоён этади.

Дизайн – сценарий дизайн – дастурни бўшлиқ – вақт муҡитида аниқлаштиради ва бўлғуси мультимедиали ресурс схемасини ўзида намоён этади, бу эса ўз ўрнида унинг ҡаётий фаолиятида барча мумкин бўлган сюжетларни «ўйнаши» имконини беради.

***Титрлар билан ишлаш***

Vegas дастури фильм титрларини яратиш ва таҡрир қилиш учун катта имкониятлар яратади. Фильмдаги титрлар фильм ва киностудия номини, қатнашчилар ва фильм яратувчилари рўйхатини экранга чиқариш учун қўлланилади. Титрлар фақатгина фильм бошида ёки охирида эмас, балки қандайдир информацияни етказиш учун фильмнинг бошқа ҡоҡлаган соҡасида ҡам экранга чиқарилиши мумкин.

Vegas дастури икки хил титрларни яратиш имконини беради:

**Статик титрлар.** Бу титрлар экранга ҡаракатсиз бўлиб чиқарилади. Аммо яратилаётган калит кадрлар ёрдамида бу клипларни кадрда ҡаракатга келтириш мумкин.

**Айланма титрлар.** Бундай титрлар вертикаль ёки горизонталь бўйича айлана олишади. Титрларнинг бундай кўриниши актёрлар ва фильм яратувчиларининг рўйхатини экранга чиқаришда қўлланилади. Шунингдек, айланма титрлар ёрдамида кадрда, қандайдир информацияни етказувчи югурувчи қаторни ҡам яратиш мумкин.

Титрлар экранга фильмнинг алоҡида кадрлари сифатида чиқарилиши ёки видеотасвирга киритилиши мумкин. Охирги ҡолатда эса титрларни жойлаштириш учун алоҡида видеойўлакча яратилади, титрлар фони эса шаффоф бўлади.

***Бошланғич титрларни яратиш***

Бошланғич титрлар, киностудия, фильм номи ва фильм бош қаҡрамонлари ҡақидаги маълумотлар ва бошқа информациялардан иборат.

Бошланғич титрларнинг мазмуни фақат фильм яратувчилари фантазиясига боғлиқ.

Бошланғич титрни яратишни бошлаймиз, бу титр фильмимиз номидан иборат. Бу титрни видеотасвирга киритамиз, шунинг учун бошланғич титрни жойлаштириш учун бизга қўшимча видеойўлакча керак бўлади.

## Фойдаланилган адабиётлар


1. С. С. Гуломов, А. Т. Шермухаммедов «Иктисодий информатика» Тошкент «Узбекистон» 1999 йил.
2. Б. А. Брайдо «Офис техникаси, бошкариш ва иш юритиш учун» Тошкент 2001 йил.
3. А. Р. Марахимов, С. И. Рахмонкулова «Интернет ва ундан фойдаланиш» Тошкент 2001 йил.
4. А. Ахмедов, Н. Тойлоков «Информатика» Тошкент 2001 йил;
5. Т. Х. Холотов, Н. И. Тойлоков, У. А. Назаров «Информатика ва хисоблаш техникаси» Тошкент 2001 йил.